

Шаймарданова Д. – ТМИ,
ўқитувчи

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ, УЛАР БЎЙИЧА СМЕТАЛАРНИ ТУЗИШ ВА ИЖРОСИ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мазкур мақолада бюджет ташкилотларини молиялаштириш манбалари, улар бўйича сметаларни тузиш ва сметалар ижроси ҳисоби ёритилган. Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси ҳисоби жараёнидаги мавжуд ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ва уларнинг ечимлари бўйича таклиф ҳамда тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, бюджет ташкилоти, даромадлар, молиялаштириш манбалари, сметалар, харажатлар.

В данной статье освещен порядок учета источников финансирования бюджетных организаций, составление смет по ним и исполнение смет. Приведены предложения и рекомендации по имеющимся и требующим разрешения проблемам и их решениям в процессе исполнения смет доходов и расходов по бюджетным и внебюджетным средствам.

Ключевые слова: бухгалтерский учет, бюджетная организация, доходы, источники финансирования, сметы, расходы.


This article highlights the accounting of budgetary organizations funding sources estimating them and executing budgets. Presents proposals and recommendations on current and requiring permission issues and solutions in the performance estimates of income and expenditure budget and extrabudgetary resources.

Keywords: accounting, budget organization, income, sources of funding, estimates, costs.

Бюджет тизимида босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар натижасида Давлат бюджети ижросини амалга оширишнинг мукамал меъерий ҳуқуқий ҳамда ташкилий асоси яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори, “Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом, “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома, “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар” ва бошқа шу каби меъерий ҳужжатлар қабул қилинди. Давлат бюджети ижросининг ушбу меъерий ҳужжатлар доирасида амалга оширилиши бюджет даромадлари ва харажатлари ўзаро мувофиқлигини таъминлаб келмоқда.

Бюджетларни тузиш, ижросини амалга ошириш ва назорат қилиш маблағларни самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлашга хизмат қилади. Шу сабабдан бюджет ижроси жараёнида ишончли ахборотга эҳтиёж вужудга келади. Бунда, бухгалтерия ҳисоби энг асосий ахборот манбаи бўлиб, уни ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, бюджет тақчиллигини олдини олиш долзарб масалалардан бири саналади. Бюджет ташкилотлари бюджет маблағларининг асосий истеъмолчиси ҳисобланиб, Давлат бюджети харажатларини ташкил этади ва харажатлар сметаси асосида бюджетдан молиялаштирилади. Шунингдек, бюджет ташкилоти қонунчиликка мувофиқ бюджетдан ташқари маблағлар юзасидан ташкил бўлиш манбалари ва фойдаланиш йўналишлари кўрсатилган ҳолда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметалар доирасида харажатларни амалга оширади (1-расм).



1-расм. Бюджет ташкилотларини молиялаштириш манбаларининг схематик кўриниши.

1. Бюджет ташкилотлари ўз функциясини бажарганлиги учун амалга оширган харажатлари смета асосида Давлат бюджетидан молиялаштирилади.
2. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси даромадлари:
 - ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар, капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно;
 - фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар;

- бюджет ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми;

- белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар;

- ҳомийликдан олинган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади.

Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига бюджет ташкилотларининг товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлари товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумлар ва уларни ишлаб чиқариш бўйича харажатлар ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

3. Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси даромадлари:

- тиббиёт ташкилотига ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажмининг 5 фоизигача бўлган миқдорда бюджетдан ажратиладиган маблағлар;

- фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар;

- ҳисобот чорагининг сўнгги иш куни охирида харажатлар сметаси бўйича тежалган маблағлар, капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно;

- тиббиёт ташкилоти балансида турган мол-мулкни ижарага беришдан олинган маблағларнинг бир қисми;

- белгиланган тартибда бюджет ташкилотлари тасарруфида қолдириладиган маблағлар;

- ҳомийликдан олинган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади.

Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига тиббиёт ташкилотларининг товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлари товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумлар ва уларни ишлаб чиқариш бўйича харажатлар ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

4. Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари белгиланган тартибда давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий жарималар ҳамда молиявий санкциялардан ажратмалар ҳисобидан шакллантирилади.

5. Бюджет ташкилотлари томонидан бюджетдан ташқари маблағлар:

- ўқувчилар ва тарбияланувчилар давлат мактабгача таълим муассасаларида, умумтаълим мактабларининг куни узайтирилган гуруҳларида, мактаб-интернатларда, олимпия захиралари коллежлари ва бошқа таълим муассасаларида сақлаб турилганлиги учун;

- ўқувчилар болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасаларида таълим олганлиги учун;

- олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим олганлик учун;

- стационар даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётганлар таркиби овқатланиши учун;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ундириладиган тўловлар ҳисобидан шакллантирилади.

Ундириладиган тўловларнинг миқдорлари, уларни киритиш ва улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек ундириладиган тўловлар бўйича имтиёзлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.[1]

Бюджет ташкилотлари томонидан белгиланган тартибда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар даромадлари ва харажатлари бўйича сметалари тузилади ва тасдиқланиб ижроси таъминланади. Бунда, республика ҳамда маҳаллий бюджетларда турувчи ташкилотларни молиялаштириш, улар учун тасдиқланган харажатлар сметалари асосида амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ харажатларнинг қуйидаги гуруҳлари Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар);

II. Иш ҳақиға қўшимчалар;

III. Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларға мувофиқ);

IV. Бошқа харажатлар.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари – қонунчиликда назарда тутилган бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан ташкилотлар ихтиёриға келиб тушадиган маблағлардир. Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлари ташкил бўлиш манбалари қуйидагилардан иборат:

- бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

- тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

- таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов контракт шакли маблағлари;

- тўловларнинг махсус турлари бўйича маблағлар;

- бошқа бюджетдан ташқари махсус маблағлар.[2]

Юқорида келтирилган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича алоҳида-алоҳида даромадлар ва харажатлар сметалари тузилади ҳамда молия йили давомида ижроси амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар сарфини назорат қилиш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш бевосита ҳисоб ишларини ташкил қилиш ва юритиш орқали амалга оширилади. Бюджет тизимида боқичма-боқич амалга оширилаётган ислохотлар бюджет ташкилотларининг даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси ҳисоби услубиётини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Бюджет ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси ҳисобини юритишда қуйидаги ҳал қилиниши лозим бўлган жиҳатлар мавжуд:

- бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини базавий тамойилларини умумлаштирувчи алоҳида Давлат сектори бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилиниши зарурияти мавжуд. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин, яъни хўжалик субъектлари учун тасдиқланган бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари шунингдек, молиявий ҳисобот халқаро стандартларида даромадлар ва тушумларни ҳисобда акс эттиришнинг аниқ талаблари белгиланган аммо, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тушумларни даромад сифатида ҳисобда акс эттиришнинг аниқ мезонлари белгиланмаган.

Бу ҳолат, бюджет ташкилотларида тушумлар ва даромадларни ҳисобда акс эттиришда турлича ёндашувларини келтириб чиқаради. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари тушумлари ва даромадлари тўғрисида ишончли ҳамда тизимли ахборотларни шакллантиришга тўсқинлик қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида бюджет ташкилотларини молиялаштиришнинг бюджетдан ташқари маблағ манбаларини шакллантиришга қаратилган амалий ҳаракатларни чеклайди;

- бюджет ташкилотларида дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар
- 15 - Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб китоблар
- 16 - Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар
- 17 - Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар

тегишли субсчётларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича умумий ҳолда ҳисобга олиниши белгиланган бўлиб, бюджет ташкилотлари ўз ёндашувларига асосан турли дебитор ва кредитор мажбуриятларни бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тегишли субсчётларни очиш орқали ҳисобга олиш натижасида турли ёндашувларнинг ҳосил бўлиши, ҳисоб ишларини қийинлашуви ўз навбатида ҳисоб маълумотлари ноаниқлигига ўз таъсирини кўрсатади;

- бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолиятини йўлга қўйиш заруриятини мавжудлиги.

Юқоридаги ҳолатларнинг ечими юзасидан қуйидаги таклифларни билдиришни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

1. Маълумки, амалдаги бухгалтерия ҳисобига оид қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Бунда, Ўзбекистон Республикасининг вазирлик ва идоралари зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, ўз тизимидаги ташкилотларда фаолият хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг умумий қоидаларини қўллаш тартиби тўғрисида белгиланган тартибда меъёрий ҳужжатлар чиқаришлари мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бюджет ҳисобининг барча ҳисоб объектларига оид “Давлат сектори Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари”ни ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилиши керак. Ҳозирда амалиётда бюджет ҳисобининг стандартларини ишлаб

чиқишнинг зарурлиги ўз исботини топмоқда. Ушбу стандартларнинг ишлаб чиқилиши бюджет ташкилотларида бухгалтерия объектлари ҳисобини ташкил этилишини ягоналигини таъминлайди.

Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар учун харажатлар ва даромадларни тан олиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон Қарори билан тасдиқланган “Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом, 2-сон “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар” ва 3-сон “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” БҲМСлар тушумлар ва даромадларни ҳисобда акс эттиришнинг аниқ меъзонларини белгилайди.

Шундан келиб чиқадиган бўлсак, бюджет ҳисобининг стандартларини ишлаб чиқиш асосида бюджетдан молияланадиган ташкилотларни бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тушумлари ва даромадларини ҳисобда акс эттиришнинг минимал талабларини аниқ белгилаш имконияти вужудга келади;

2. Бюджет ташкилотлари албатта ишчи счётлар режасини “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома талабларидан келиб чиқиб тузиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ишчи счётлар режасида бюджет ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобда акс эттириш учун

15 – Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб китоблар

16 – Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар

17 – Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар

счётлар бўйича алоҳида субсчётларни киритилади ва натижада дебитор ва кредиторлар маблағлар манбаларига мос равишда шакллантирилади.

Умумий қилиб айтганда, юқорида келтирилган муаммоли ҳолатларни ижобий ҳал қилиш ҳамда бюджет ташкилотларида маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш учун келтирилган амалий таклиф ва тавсияларни амалга ошириш керак деб ўйлаймиз.

АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрдаги “Бюджет кодекси”, № 360-сонли Қонун. 11-боб;

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.;

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг “Бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи, 2015 йил 15 декабрда 2634-сон билан рўйхатдан ўтган;

4. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома Ўз.Р АВ. томонидан 2010 йил 22 декабрда № 2169-сон билан рўйхатдан ўтган.;

5. Останақулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма - Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2009. 328 б.;

6. Меҳмонов С. Бюджет ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технология”, 2012. 352 б.